

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ЗООЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

5140100-Биология таълим йўналиши битирувчиси
Улуғбердиев Одил Бобоназаровичнинг

**“Қизирик тумани шароитида анор ўсимлиги
фитонематодалари”**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: ўқ. А.С.Бекмуродов

Термиз - 2017

Мундарижа

Кириш	3
• Мавзунинг долзарблиги	
• Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари	
• Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги	
• Назарий ва амалий аҳамияти	
• Битирув малакавий ишининг объекти	
• Битирув малакавий ишининг предмети	
• Битирув малакавий ишининг методлари	
• Битирув малакавий ишининг апробацияси	
• Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми	
I-боб. Адабиётлар таҳлили	6
II-боб. Битирув малакавий ишининг материал ва методикаси	11
2.1. Материал	11
2.2. Намуна йиғиш методикаси	11
2.3. Фитонематодаларни ажратиб олиш, фиксация килиш ва препарат тайёрлаш методикаси	12
III-боб. Қизириқ тумани шароитида анор ўсимлигида аниқланган фитонематодаларнинг экологик- таксономик характеристикаси	16
IV-боб. Қизириқ тумани шароитида анор ўсимлиги нематодафаунасининг анализи	51
4.1. Систематик анализ	51
4.2. Экологик анализ	57
Умумий хулосалар ва таклифлар	60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	62

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Субтропик мевали ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир қилувчи турли касалликлар, хилма-хил зараркунандаларнинг таъсирини ўрганиш билан бир каторда, уларда паразитлик қилувчи фитонематодаларни ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки паразит фитонематодалар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини 10-15 % дан 65 % гача камайтириши аниқланган. Масалан, АҚШда фитонематодалар бир йилда қишлоқ хўжалигига 53 млн. доллар иқтисодий зарар келтиради. Субтропик мевали ўсимликлар ҳосили паразит фитонематодалар таъсирида 6-25 % гача камайиши аниқланган.

Анор (*Punica granatum L.*) қимматли субтропик мевали ўсимлик ҳисобланиб, унинг меваси, мева пўсти, илдиз ва бошқа органларидан бўёқчилик, кўнчилик, фармацевтика, парфюмерия саноатида, бундан ташқари халқ табobatiда кенг фойдаланилади.

Анор ер юзидаги энг қадимий маданийлаштирилган ўсимлик ҳисобланади. Яъни ибтидоий одамлар еган ва ўстирган биринчи мевалардан ҳисобланади. Анор ҳақидаги илк маълумотлар эса эрамизнинг III-асрларига тааллуқли [14].

Анорнинг барча қисмлари инсонлар учун фойдалидир. Мевасининг суви таркибида 12-20 % шакар, органик кислоталар, витаминлар ва бошқа фойдали моддалар мавжуд. Анор меваси 38,6-63,5 % сув, 27,6-51,6 % пўстлоқ, 7,2-22,2 % донадан иборат. Мевасининг таркибида 1,6 % оқсил, 0,1-0,7 % ёғ, 0,2-5,2 % клетчатка ва 0,5-0,7 % кул мавжуд. Анор сувида 0,208-0,218 % минерал моддалар, шу жумладан, марганец, фосфор, магний, алюминий, кремний, хром, никель, кальций, мис борлиги аниқланган [14].

Анор ҳам барча ўсимликлар сингари фитонематодалар билан зарарланади. Шунинг учун анор ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда тарқалган фитонематодаларнинг турлар таркиби, биологик ва экологик хусусиятлари, тарқалиши, ўсимликни зарарлашини ўрганиш ҳамда паразит турларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш мазкур

ўсимликдан юқори ва сифатли ҳосил олишда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, анор агроценозларида хилма-хил паразит фитонематодалар кўпайганлиги, уларнинг бевосита ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги сезиларли даражада бўлишига қарамадан, Сурхондарё вилоятининг энг кўп анор етиштириладиган Қизириқ тумани шароитида анор ўсимлиги фитонематодалари етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу ҳолат мазкур мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Қизириқ тумани шароитида анор ўсимлиги фитонематодаларини ўрганиш, мазкур ўсимликда паразитлик қилувчи фитонематодалар турини аниқлашдан иборат. Шулар билан боғлиқ ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Қизириқ тумани шароитида анор ўсимлиги илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда тарқалган фитонематодалар турларини аниқлаш;
- Топилган фитонематодаларнинг экологик-таксономик характеристикасини аниқлаш ва анализ қилиш;
- Анор ўсимлигида паразитлик қилувчи фитонематодалар ва уларнинг ўзига хос белги ва хусусиятларини, келтириб чиқарадиган касалликларини ҳамда ўсимлик ҳосилдорлигига турли даражада етказадиган салбий таъсирини ўрганиш.

Битирув малакавий ишининг ўрганилиш даражаси. Қизириқ тумани шароитида анор ўсимлиги фитонематодалари кам ўрганилган бўлиб, турли йилларда мазкур ўсимлик устида фақат Ш.Х.Хуррамов ва А.С.Бекмуродовлар фитогельминтологик тадқиқотлар ўтказганлар.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Қизириқ тумани шароитида анор ўсимлиги нематодафаунаси ўрганилди ва 39 турга мансуб фитонематодалар аниқланди.

Ўсимлик илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда топилган фитонематодаларнинг экологик-таксономик характеристикаси баён этилди.

Аниқланган фитонематодалар систематик ва экологик анализ қилинди.

Анор ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда ҳақиқий паразит фитонематодалардан 8 тури аниқланди.

Анор ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда аниқланган фитонематодалардан 2 тури (*Eudorylaimus similis*, *Rhabditus brevispina*) анор ўсимлиги илдизи ва унинг атрофидаги тупроқда учраши биринчи марта қайд этилмоқда.

Битирув малакавий ишининг объекти. Анор ўсимлиги ва унинг илдизи атрофида учровчи фитонематодалар.

Битирув малакавий ишининг предмети. Қизириқ тумани шароитида анор ўсимлигида учровчи фитонематодаларнинг турлар таркибини аниқлаш, аниқланган фитонематода турларининг экологик-фаунистик характеристикасини баён этиш, анор агроценозларида тарқалган паразит фитонематодалар, уларнинг етказадиган зарари ҳамда қарши кураш тадбирлари тўғрисида маълумот бериш.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган фитогельминтологик тадқиқотлар натижасига кўра анор ўсимлиги ва унинг илдизи атрофида учровчи фитонематодалар комплекси бўйича маълумотлар олинди. Бу маълумотлардан зоология, паразитология, фитогельминтология, экология фанларини ўзлаштиришда талабалар фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари анор ўсимлигининг хавfli зараркунандалари бўлган паразит фитонематодаларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишда бу маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг методлари. Илмий изланишлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар фитогельминтологияда кенг қўлланиладиган *маршрут*, *Берман*, *Сайнхорст* ва илдизни ёриш методлари асосида бажарилди.

Битирув малакавий ишининг апробацияси. Ушбу тадқиқот ишининг натижалари бўйича 2016 йил 15-16 май кунлари Қарши шаҳрида ўтказилган «Актуальные проблемы современной паразитологии» мавзусидаги мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материалларида, 2016

йил 15 март куни Термиз шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистоннинг биогеоэкологик муаммолари” мавзусидаги Республика илмий ва илмий-техник конференцияси материалларида тезислар чоп эттирилган.

Бу илмий натижалар асосида келажакда анор ўсимлиги фитонематодаларини ўрганиш ва паразит турларига қарши кураш чораларини қўллаш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши компьютерда 55 бетда баён қилинган бўлиб, кириш, 4 боб, умумий хулосалар ва таклифлар, тадқиқотлар давомида фойдаланилган 59 номдаги адабиётлар рўйхати, 3 та жадвал ва 6 та расмдан иборат.

I-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қимматли субтропик ўсимликлардан бири - анор ўсимлиги илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда учровчи фитонематодаларни ўрганишни ҳинд нематолог олимлари бошлаб берганлар. Jairajpuri ва Siddiqilar [50] Ҳиндистонда анор илдизи атрофидаги тупроқдан янги тур фитонематода – *Psilenchus neophormis* турини аниқлаганлар.

Jairajpuri [51] Сринагарда анор илдизи атрофидаги тупроқдан *Pratylenchoides crenicauda* турини топган.

1967 йилда Ҳиндистоннинг Валлепуре штатида ҳинд олимлари S.A.Husain ва A.M.Khanлар [48] анор илдизи атрофидаги тупроқдан янги тур фитонематода – *Diphtherophara granatani* аниқлаганлар.

G.Thorne, C.I.Sethi лар [57] Ҳиндистоннинг Байжанат районида анор илдизи атрофидаги тупроқдан янги тур фитонематода – *Helicotylenchus punical* турини топдилар.

Бундан ташқари B.S.Yadav, M.K.Varma, S.M.Naikлар [59] томонидан 1970 йилда Ҳиндистоннинг Раджастхан районида ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига катта зарар етказувчи бўртма нематода – *Meloidogyne incognita* тури аниқланган.

J.S.Edward, S.I.Misra, E.Peter, B.B.Railлар [44] Ҳиндистоннинг Раджпур, Дехрадун штатларида анор илдизи атрофидаги тупроқдан янги тур фитонематода – *Criconema punici* ни аниқладилар.

J.S.Husain, A.J.Al-Zaragilar [49] Ироқда бир қанча қишлоқ хўжалиги экинлари нематодаларини ўрганиш устида тадқиқот ишлари олиб борганлар ва анор илдизида паразитлик қилувчи бўртма нематода – *Meloidogyne incognita* турини топганлар.

P.N.Rhukan, K.S.Sanwalлар [52] Ҳиндистоннинг Ассали районида анор илдизи атрофидаги тупроқдан *Paratylenchus (P.) lepidus* турини аниқладилар.

Иорданиялик фитогельминтолог Z.Hashim [47] анор агроценози фитонематодаларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишларини олиб борган ва 23 тур фитонематодаларни аниқлаган. Муаллиф анор ўсимлигида нематодоз

касалликларини келтириб чиқарувчи турлар – *Helicotylenchus pseudorobustus*, *Tylenchorhynchus clarus* ва *Longidorus* личинкаларини аниқлаган.

Z.Hashim [46] Иорданияда анор ўсимлиги илдиз атрофидаги тупроқда янги тур фитонематода – *Neolobocriconema olearum* турини аниқлаган.

Е.А.Edongali, К.Н.Dabai, G.Terjanilar [43] Жанубий Ливиянинг Воддана ва Сакпа провинцияларида анор илдизида паразитлик қилувчи бўртма нематода – *Meloidogyne javanica* турини аниқлаганлар.

Z.A.Siddiqui, M.W.Khanlar [55] Ливия анор плантацияларида тадқиқотлар ўтказиб, 12 авлодга мансуб фитопаразит нематодаларни аниқлаганлар. Уларнинг маълумотларига кўра, энг кўп сондаги ва кенг тарқалган турлар *Meloidogyne incognita* ва *M.javanica*лардир. Бундан ташқари, муаллифлар фенамифос, оксамил, алдикарбларнинг, айниқса фенамифоснинг бўртма нематодаларига қарши қўлланилганда яхши натижа беришини аниқлаганлар.

Ҳиндистонлик олим R.R.Verma [58] анор ўсимлигининг 12 та нави устида тажриба олиб бориб, *M.incognita* билан зарарланганда уларнинг чидамлилиқ даражасини ўрганган.

А.С.Бекмуродов, Н.Абдурахимлар [7] Афғонистоннинг Балх, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятлари шароитида анор нематодафаунасини ўрганганлар ва 75 турга мансуб фитонематодаларни аниқлаганлар. Шулардан 10 тури паразит турлар эканлиги қайд этилди.

Собиқ Иттифоқда анор фитонематодаларини ўрганишни А.Г.Айрапетов [2] бошлаб берган. У Озарбайжоннинг қуруқ субтропик зонаси шароитида анорда *Meloidogyne marioni* турини аниқлаган. Шу билан бирга муаллиф мелойдогиноз касаллиги белгилари тўғрисида маълумотлар берган ва унга қарши алмашлаб экишни тавсия этган.

Ўрта Осиёда анор ўсимлиги нематодафаунасининг ўрганилиши проф.Ш.Х.Хуррамовнинг [33] илмий фаолияти билан боғлиқдир. Автор биринчи марта Ўрта Осиёда анор нематодафаунасини ўрганиб, 1978 йилда Сурхондарё вилояти шароитида ўсимликнинг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда паразитлик қилувчи 12 тур фитонематодаларни аниқлаган.

1981 йилда О.А.Кулинич Тожикистонда анор ўсимлиги илдизидан спиралсимон нематода – *Helicotylenchus digitiformes* турини аниқлаган [18].

Ш.Х.Хуррамов анор агроценозларида фитопаразит нематодаларнинг вертикал ва горизонтал тарқалиш қонуниятларини ўрганди. Тадқиқот натижаларига кўра, анор ўсимлигида *Rotylenchus robustus*, *Meloidogyne incognita*, *Helicotylenchus varicaudatus*, *H. dihystrera*, *Tylenchorhynchus cylindricus* каби паразит турлар кўп сонда тарқалганлиги қайд этилди [35].

Ш.Х.Хуррамов Ўрта Осиё Республикалари шароитида анор фитонематодалари комплексини ўрганган ва 281 тур фитонематодаларни аниқлаган. Тадқиқотлар натижасида *Tylenchida*, *Aphelenchida*, *Rhabditida* туркуми вакиллари анор ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда кўп сонда учраши кузатилган [36;38].

А.С.Бекмуродов [3;4;5;6] Сурхондарё вилояти шароитида анор агроценози нематодафаунасини ўрганиб, 98 турга мансуб фитонематодаларни аниқлаган. Шулардан 17 тури анорда паразитлик қилувчи экто ва эндопаразит фитонематодалар эканлиги қайд этилган.

А.С.Бекмуродов, Н.Алияровлар [11] Сурхондарё вилояти анор плантацияларида тарқалган 3 кенжа синф, 7 туркум, 28 оила, 43 авлодга мансуб бўлган фитонематодаларни экологик ва фаунистик таҳлил қилганлар.

А.С. Бекмуродов, А. Ш. Хуррамов [8] лар томондан Сурхондарё вилояти шароитида анор агроценози фитонематодалар фаунаси ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра жами 17 тур паразит нематодалар аниқланган бўлиб, ўсимлик илдизида 13 тур, илдиз атрофидаги тупроқда 17 турга мансуб паразит нематодалар учраши қайд этилди. Аниқланган паразит фитонематодалар орасида эктопаразитлар 13 турни эндопаразитлар 4 турни ташкил этди.

А.С.Бекмуродов [9] Сурхондарё вилояти анор агроценозларида тарқалган *Xiphinema* авлодига мансуб фитонематодаларнинг турлар таркиби, тарқалиши тўғрисида маълумотлар берган. Тадқиқотлар натижасида *Xiphinema* авлодига мансуб 4 тур паразит фитонематодалар (*Xiphinema basiri*,

X. elongatum, *X. pachtaicum*, *X. opisthohysterum*) турлари анор ўсимлигининг илдизи ва асосан илдиз атрофидаги тупроқда учраши қайд этилган.

А.С.Бекмуродов [5] Сурхондарё вилояти анор агроценозларида учровчи фитонематодалар фаунасини ўрганиб, аниқланган турларни экологик гуруҳлар бўйича таҳлил қилган. Муаллифнинг Сурхондарё анор агроценозларида ўтказган тадқиқотлари натижасида 20 тур параризобионтлар, 23 тур девисапробионтлар, 4 тур эусапробионтлар, 34 тур касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар ва 17 тур касаллик келтириб чиқарувчи фитогельминтлар учраши аниқланган.

А.С.Бекмуродов, Н.Алиярова, М.Шаймардоновалар [10] Сурхондарё вилоятининг жанубий туманлари шароитида анор ўсимлиги фитонематодалар фаунасини ўрганган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида 6 та туркум, 25 та оила, 38 та авлод ва 88 та турга мансуб фитонематодалар аниқланган. Турлар сонининг кўплиги жиҳатидан Tylenchida туркуми вакиллари, индивидлар сонининг кўплиги бўйича Arhelenchida туркуми вакиллари етакчи ўринни эгаллаши қайд этилган.

А.С.Бекмуродов [6] Сурхондарё вилояти анор агроценозларида тарқалган Tylenchida туркумига мансуб фитонематодаларнинг фаунасини ўрганган. Тадқиқотлар натижасида мазкур туркумга мансуб 15 тур касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар, 13 тур касаллик келтириб чиқарувчи фитогельминтлар учраши қайт этилган.

Ш.Х.Хуррамов, А.С.Бекмуродовлар [39] 2003-2007 йиллар давомида Сурхондарё вилоятининг 14 та туман, 28 та ширкат ва фермер хўжаликларида фитогельминтологик тадқиқотлар ўтказиб, анор ўсимлигида учровчи паразит фитонематодаларни ўргандилар ва ўсимликнинг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда 17 тур ҳақиқий паразит фитонематодалар учраши аниқланди.

Ш.Х.Хуррамов, А.С.Бекмуродовлар [39] томонидан анор ўсимлиги илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда учровчи фитонематодалар сонининг турли хил абиотик факторлар таъсирида ўзгариш қонуниятлари ўрганилган. Тадқиқотлар натижасида анор ўсимлиги нематодафаунасининг турлар

таркиби ва индивидлар сонининг мавсумий ўзгаришларига ҳарорат, тупрок намлиги, ёғинлар миқдори каби абиотик факторлар турли даражада таъсир кўрсатиши қайд этилган.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, анор ўсимлигини жиддий зарарлаб, унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига катта зиён етказадиган паразит фитонематодалар анор агроценозларида кўп сонда тарқалганлигига қарамасдан, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ тумани шароитида мазкур ўсимликнинг нематодафаунаси ва паразит турларига қарши кураш чоралари етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу ҳолат мазкур мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

II-БОБ. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДИКАСИ

2.1. Материал

Ушбу тадқиқот ишининг бажарилиши учун 2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адҳамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари ҳудудида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан йиғилган намуналар материал бўлиб хизмат қилди. Қизирик тумани шароитида анор нематодафаунасини ўрганиш учун 180 та тупроқ ва 180 та илдиз намуналари йиғилди.



Қизирик туманидаги анор агроценозининг умумий кўриниши

2.2. Намуна йиғиш методикаси

Анор ўсимлиги илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан намуналар йиғишда фитогельминтологияда кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган ва кенг тарқалган маршрут методидан фойдаланилди [20; 21].

Маршрут методи анор ўсимлиги нематодафаунасини ўрганиш ва фитогельминтларнинг тарқалишини билиш мақсадида қўлланилди. Бунинг

учун намуна олинадиган ўсимликнинг атрофи 40 см чуқурликда, 1-1,5 метр кенгликда қазилади ва энг ингичка илдизлар тупроқдан ажратиб олинади. Илдиз атрофидаги тупроқдан ҳам 1 кг олинади. Намуналар май-июнь ойларида олинди.

Маршрут методига асосан плантациянинг диагонали бўйича намуналар йиғилди. Олинган намуналар полиэтилен халтачаларга солиниб, намуна олинган жой, намуна олинган вақт, ўсимлик тури қоғозга ёзилиб, у ҳам халтачага солинди.

2.3. Фитонематодаларни ажратиб олиш, фиксация қилиш ва препарат тайёрлаш методикаси

Йиғилган намуналар Термиз давлат университети қошидаги фитогельминтология лабораториясида таҳлил қилинди. Ўсимлик намуналари лабораторияга олиб келинган, ўсимлик илдизида бўртмалар, некроз доғлар бор-йўқлиги кўздан кечирилди.

Биз ўз ишимизда ўсимлик илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан фитонематодаларни ажратиб олиш учун Берманнинг воронкали методидан фойдаландик. Бунда ўсимлик илдизи водопровод сувида тозалаб ювилади, қайчи ёрдамида 0,5 см узунликда майдаланди ва белгиланган миқдорда (20 гр) тарозида тортиб олинди. Воронкага резина най кийгизилиб, унинг пастки қисмига пробирка кийгизиб қўйилади ва унга тоза сув солинди. Ундан кейин воронка устига мис сетка қўйилди, кейин эса ҳар бир намуна сут фильтрига солиниб, воронкага жойлаштирилди. Бунда махсус элакчалардан ҳам фойдаланилди. Намуналар воронкага жойлаштирилган, ҳар бир намуна учун қаердан, қачон ва ўсимликнинг қайси қисмидан олинганлиги ҳақида ёрлик ёзилади.

Майдаланган ўсимлик қисмларидан фитонематодалар тезроқ чиқади. Намуна учун олиб келинган тупроқдан ҳам белгиланган миқдорда (20 гр) тортиб олиниб, воронкаларга резина най кийгизилиб, унинг пастки қисмига пробирка кийгизиб қўйилди ва унга тоза сув солинди. Воронка устига мис сетка қўйилиб, ҳар бир намуна сут фильтрига солиниб, воронкага

жойлаштирилди. Ҳар бир намуна учун қаердан, қачон олинганлиги ҳақида ёрлик ёзиб қўйилди.

Фитонематодалар илдиз ва тупроқдан сувга чиқиб, пробиркага йиғилади. Намуналар ёз вақтида қўйилганлиги учун 24 соатдан кейин воронкага кийгизилган резина найни қўл билан қисиб, пробирка тортиб олинади. Пробиркадаги сувнинг бир қисми пипетка ёрдамида олиб ташланиб, унинг ўрнига 4 фоизли формалин эритмаси солиниб, оғзига тиқини қўйилади. Формалин билан фиксация қилинган баъзи фитонематодаларнинг танаси букилиб, эгри-бугри бўлиб қолиши мумкин. Уни ўз ҳолига қайтариш мақсадида пробиркани 50-55°ли иссиқ сувли ванначаларга солинади. Шундан сўнг фитонематодалар турларини аниқлаш ва уларнинг сонини билиш учун пробиркадаги фитонематодалар Петри чашкасига тўкиб, микроскоп остига қўйилиб қаралади. Фитонематодаларни тирик ҳолда кўрганда уларни фиксация қилгандагига нисбатан тана тузилиши, морфологик белгилари яхшироқ кўринади.

Доимий препарат тайёрлаш учун Сайнхорст [53] методидан фойдаландик. Бунда фитонематодалар махсус нина билан соат ойнасига, 4-5 томчи дистилланган сувга терилади. Териб бўлингач, фитонематодаларни равшанлаштириш мақсадида унга 4 томчи биринчи қоришмадан (20 % спирт, 1 % глицерин, 79 % дистилланган сув) қўшилиб, 20-30°С ли термостатга 24 соат қўйилади. Термостат спирт ва сувнинг буғланишига ёрдам беради. 24 соатдан кейин унга иккинчи қоришмадан (95 % спирт, 5 % глицерин) томизилиб, яна 20-30°С ли термостатга 2-3 соат қўйилади. Термостат спиртнинг буғланишига ёрдам беради. Шундан сўнг термостатдан олинган фитонематодалар препарат қилишга тайёр ҳисобланади.

Доимий препаратларни қуйидагича тарзда тайёрладик: буюм ойнасига металл найча ёрдамида парафиндан ҳалқа қўйилади. Ҳалқа ичига игна ёрдамида глицериндан томчи томизилди ва томчига фитонематодалар терилди. Томчи бинокулярда қаралиб, ундаги фитонематодалар алоҳида-алоҳида қилиб жойлаштирилди. Бир томчига 10-15тагача фитонематодалар терилди. Сўнгра унинг усти қопағич ойна билан ёпилиб, препарат спирт

лампасида қиздирилди. Бунда глицериннинг бир хил ёйилишига, парафиннинг эришига эътибор бериш керак бўлади. Иложи борича фитонематодаларни қовуриб юбормаслик керак. Парафин эриб, бир хил тарқалгач, спирт лампаси ўчирилади. Қоплагич ойна атрофидаги парафин скальпель ёрдамида тозаланиб, препарат чеккасига сиёҳ билан препарат номери, қаердан олинганлиги, ўсимликнинг қайси қисмидан олинганлиги ва олинган вақти ёзиб қўйилади.

Фитонематодаларнинг турларини, жинсини аниқлаш учун МБР-3 микроскопидан фойдаланилади.

Фитонематодаларни ўлчашда кўпчилик олимлар томонидан қабул қилинган De Man [42] формуласидан фойдаланилди. Бу формула қуйидагича ифодаланади:

L = тананинг умумий узунлиги;

a = гавданинг умумий узунлиги / эни

b = гавданинг умумий узунлиги / қизилўнгач узунлиги

c = гавданинг умумий узунлиги / дум узунлиги

V = вульва жойлашган чегара / гавданинг умумий узунлиги $\times 100$.

Бўртма нематодаларининг турлар таркибини аниқлаш учун зарарланган илдиз қисмларга бўлиниб, петр чашкасига жойлаштирилди ва сув солиниб, МБС-6 бинокуляр ёрдамида тўғридан-тўғри илдиз ёриш методи асосида, препарат игна ва кўз скальпели ёрдамида таҳлил қилинди. Препарат игна ва кўз скальпели ёрдамида илдиздаги бўртмаларни ёриб, эҳтиёткорлик билан улардаги бўртма нематодаларнинг урғочилари ажратиб олинди. Ажратиб олинган урғочи нематодалар қавариқ буюм ойнасига бир томчи сув ёки глицеринга солиниб, бинокуляр остида қаралди. Ўткир кўз скальпели ёрдамида урғочи нематодаларнинг танаси ёрилмаслиги учун бош қисми кесилиб, кейин эса эҳтиёткорлик билан орқа қисми кесилади. Кесиб олинган урғочи нематоданинг орқа қисми учи қайрилган ингичка препарат игна ёрдамида ички органлардан тозаланади.

Тайёрланган анал–вульвар пластинка бир томчи глицерин ёки лактофенал томизилган буюм ойнасига кўчирилиб, шундай мўлжал

олинадики, кутикуласининг устки қисми юқорига, яъни кўзга тўғрилаб жойлаштирилиши лозим. Шундан сўнг қоплағич ойна билан қопланади.

Бўртма нематодаларининг турлар таркиби МБР-3 микроскопи ва фазоконтраст қурилмаси ёрдамида кўпчилик фитогельминтологлар томонидан қабул қилинган методлардан фойдаланган ҳолда аниқланди [16].

III-BOB. ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ ШАРОИТИДА АНОР ЎСИМЛИГИДА АНИҚЛАНГАН ФИТОНЕМАТОДАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК-ТАКСОНОМИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Ҳайвонот оламининг табиий системасини яратиш бўйича изланишлар жараёнида кўпгина системалар таклиф қилинган, лекин уларнинг барчаси сунъий бўлиб, табиий системадан йироқ эди.

Ч.Дарвин 1859 йилда ёзилган “Турларнинг келиб чиқиши” [12] асарида органик олам тараққиётининг табиий танланиш йўли билан келиб чиққанлигини ҳар томонлама исботлаб берди. Шундан кейин органик олам табиий системасини қайта ишлаб чиқиш бошланди. Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти биология фанларининг барча соҳалари тараққиётига катта таъсир кўрсатдики, бу табиий классификациянинг ривожланишига янада кўпроқ шароит яратиб берди.

И.Н.Филипьевнинг “Севастополь бухтаси эркин денгиз нематодалари ҳақида” [31] номли илмий иши нематодалар системасида катта тўнтариш ясади ва нематодалар классификациясининг ривожланишини янги этапини бошлаб берди. У кўпчилик томонидан тан олинди ва барча нематодологлар учун асосий қўлланма бўлиб қолди.

Нематодалар синфи системаси ривожланишининг кейинги этапи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида А.А.Парамоновнинг [20;21;22; 23; 24] таксономик ишлари юзага келиши билан бошланди. Фитонематодалар турли гуруҳларининг табиий системасини тузишдаги муаммоларни ечиш учун А.А.Парамонов дунёда биринчи марта эволюцион морфология ва экологик-марфологик анализ методларидан фойдаланди. А.А.Парамонов нематодалар синфи системаси бўйича бошига *Secernentea* кенжа синфини эмас, балки *Adenophorea* кенжа синфини қўллади. У бундай тартиб нематодалар гуруҳлари ўртасидаги филетик боғланишларини ўз ичига олади деб ҳисоблайди.

Узоқ вақт нематодалар синфи вакиллари иккита кенжа синф (*Adenophorea*, *Secernentea*) ларга киритилиб ўрганилди. В.В.Малахов,

К.М.Рыжиков, М.Д.Сонинларнинг [19] системасида нематодалар синфи учта, яъни *Enoplia*, *Chromadoria*, *Rhabditia* кенжа синфларига бўлинди.

Ушбу битирув малакавий ишнинг бажарилиши жараёнида топилган фитонематодаларнинг таксономик таърифи ва уларнинг турларини аниқлашда қуйидаги чет эл ва Ўзбекистонлик авторларнинг илмий ишларидан фойдаланилди: И.Н.Филипьев, [32], А.А.Парамонов [20; 21; 22; 23; 24], Т.С.Скарбилович [26; 27], Т.С.Скарбилович, Ш.Х.Хуррамов [28], А.Т.Тўлаганов, А.З.Усмонова [29; 30], Е.С.Кирьянова [15], Е.С.Кирьянова, Э.Л.Кралль [16;17], Х.Деккер [13], Ш.Х.Хуррамов [35; 38; 39; 40], В.Г.Ситвуд [41], Т.Гудей [45], Г.Торн [57], М.Р.Сиддиқи [54], Андрасси [40] ва бошқалар, шунингдек Россия Фанлар Академияси Паразитология Институтида тузилган фитонематодалар атласидан ҳам фойдаланилди.

Биз ўз ишимизда рус нематодолог олимлари В.В.Малахов, К.М.Рыжиков, М.Д.Сонинлар [19] томонидан ишлаб чиқилган нематодалар системасидан фойдаландик. Шунингдек, А.А.Парамоновнинг [20; 21] кенг танилган фитонематодалар экологик классификациясидан фойдаландик.

Қабул қилинган фитонематодалар систематикаси бўйича Сурхондарё вилоятининг Қизирик тумани шароитида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда топилган ва аниқланган фитонематодалар қуйидагича классификацияга киритилди:

Тип	Nemathelminthes Schneider,1986
Синф	Nematoda Rudolphi,1808
Туркум	Enoplida Chitwood,1933
Оила	Prismatolaimidae Mikoletzky, 1922
Авлод	Prismatolaimus De Man, 1880
Тур	<i>P. dolichurus</i> De Man, 1880

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 1052 - 1138 \text{ мкм}; & a &= 46,5 - 47,4; & b &= 4,0 - 4,3; \\ c &= 2,8 - 2,9; & V &= 37,6 - 46,7 \%. \end{aligned}$$

Бу турга мансуб 3 та урғочи фитонематода ва 11 та личинка аниқланган бўлиб, улар Қизириқ туманидаги “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари ҳудудида анор ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Туркум	Mononchida	Jairajpuri, 1969
Оила	Mylonchulidae	Jairajpuri, 1969
Авлод	Mylonchulus	Cobb 1916
Тур	<i>M. sigmaturus</i>	(Cobb, 1917) Andrassy 1958

♀: $L = 2445-2512$ мкм; $a = 32,7-33,0$; $b = 40,1-40,2$;
 $c = 39,8-40,3$; $v = 61,8-62,1\%$.

♂: $L = 1810-1915$ мкм; $a = 31,6-32,9$; $b = 3,3-3,5$; $c = 35,3-36,1$.

Бу турга мансуб 6 та урғочи, 4 та эркак фитонематода ва 8 та личинка аниқланган бўлиб, улар Қизириқ туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари ҳудудида анор илдизи атрофидаги тупроқда қайд этилди. Параризобионт.

Туркум	Dorylaimida	Pearse, 1942
Оила	Dorylaimidae	De Man, 1876
Авлод	Mesodorylaimus	Andrassy, 1959
Тур	<i>M. bastiani</i>	(Buetschlii, 1873) Eliava, 1984

♀: $L = 1967-2912$ мкм; $a = 39,3-39,6$; $b = 4,7$;
 $c = 22,8-23,1$; $V = 50,6-51,8\%$.

Бу турга мансуб 3 та урғочи, 6 та личинка аниқланган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиқлол”, “Шабада анори”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари худудида анор ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Оила Qudsianematidae Jairajpuri, 1965
Авлод Eudorylaimus Andrassy, 1959
Тур *E. labiatus* (De Man, 1880) Andrassy, 1959

♀: $L = 1893-2167$ мкм; $a = 38,9-52,6$; $b = 4,3-4,6$;
 $c = 43,5-46,7$; $V = 49,1-51,6\%$.

Бу турга мансуб 2 та урғочи фитонематода ва 16 та личинка қайд этилган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиқлол”, “Шабада анори”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари худудида анор ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Тур *E. pratensis* (De Man, 1880) Andrassy, 1959

♀: $L = 1623-2124$ мкм; $a = 32,2-36,9$; $b = 3,7-4,5$;
 $c = 37,5-47,3$; $V = 47,0-50,5\%$.

Бу турга мансуб 4 та урғочи фитонематода ва 47 та личинка аниқланган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиқлол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари худудида анор ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Тур *E. similis* (De Man, 1876) Andrassy, 1959

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 2439-2667 \text{ мкм}; & a &= 59,5-62; & b &= 4,6-5,0; \\ c &= 32,3-40,2; & V &= 45,8-46,7 \%. \end{aligned}$$

Бу турга мансуб 3 та урғочи фитонематода, 18 та личинка топилган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари ҳудудида анор ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Авлод *Labronema* Thorne, 1939
Тур *L. eudorylaimoides* E. Geraert, 1962

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 1371-2944 \text{ мкм}; & a &= 23,8-27,6; & b &= 3,4-3,8; \\ c &= 32,3; & V &= 52,2-63,5 \%. \end{aligned}$$

Бу турга мансуб 2 та урғочи фитонематода, 9 та личинка аниқланган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари анор ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда қайд этилди. Параризобионт.

Оила *Aporcelaimidae* Heyns, 1965
Авлод *Aporcelaimellus* Heyns, 1965
Тур *A. obtusicaudatus* (*Bastian, 1865*) Alther, 1968

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 2633-3626 \text{ мкм}; & a &= 24,3-37,4; & b &= 3,4-4,1; \\ c &= 56,9-71,3; & V &= 49,6-52,1 \%. \end{aligned}$$

Бу турга мансуб 3 та урғочи фитонематода, 12 та личинкалар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин

боғбон”, “Саидов Эргашали” номли фермер хўжаликлари ҳудудида анор ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда қайд этилди. Параризобионт.

Тур *A. krugeri* (Ditlevsen, 1928) Heyns, 1965

♀: $L = 2987-3492$ мкм; $a = 22,9-24,8$; $b = 3,7-4,4$;
 $c = 76,4-118,3$; $V = 47,3-52,2$ %.

Бу турга кирувчи 2 та урғочи индивид ва 4 та личинка аниқланган бўлиб, улар Қизириқ туманидаги “Шабада анори”, “Фазлиддин боғбон”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари ҳудудида анор ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда қайд этилди. Параризобионт.

Оила Xiphinematidae (Delmasso, 1969) Khan et Ahmad, 1975

Авлод Xiphinema Cobb, 1913

Тур *X. basiri* Siddiqi, 1959

♀: $L = 3010-3425$ мкм; $a = 62,3-63,1$; $b = 6,2-6,5$;
 $c = 59,4-63,5$; $v = 57,2-57,6$ %.

Бу турга мансуб 3 та урғочи фитонематода, 11 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Қизириқ туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адҳамбек”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари ҳудудида ўсимликнинг илдизи атрофидаги тупроқдан топилди. Касаллик келтириб чиқарувчи фитогельминт.

Тур *X. diversicaudatum* Micoletzky, 1922

♀: $L = 2775-3015$ мкм; $a = 57,3-58,1$; $b = 6,2-7,0$;
 $c = 95,3-96,1$; $v = 41,3-42,0$ %.

Бу турга мансуб 6 та урғочи фитонематода, 34 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали” номли фермер хўжаликлари худудида анор илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Касаллик келтириб чиқарувчи фитогельминт.

Оила Tylencholaimidae Filipjev, 1934

Авлод Tylencholaimus De Man, 1876

Тур *T. minimus* De Man, 1876

♀: $L = 690-998$ мкм; $a = 24,5-30,5$; $b = 2,8-3,2$;
 $c = 29,3-34,4$; $V = 58,8-63,6\%$.

Бу турга мансуб 11 та урғочи фитонематода, 19 та личинкалар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари худудида анор ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда қайд этилди. Параризобионт.

Оила Diphtherophoridae Thorne, 1935

Авлод Diphtherophora De Man, 1880

Тур *D. communis* (De Man, 1980) Goodey, 1963

♀: $L = 845-918$ мкм; $a = 14,2-20,1$; $b = 3,9-5,1$;
 $c = 16,2-17,3$; $V = 55,7-60,9\%$.

♂: $L = 980-1012$ мкм; $a = 23,1-23,3$;
 $b = 3,8-3,9$; $c = 16,1-16,3$.

Бу турга кирувчи 12 та урғочи, 3 та эркак фитонематода, 41 та личинкалар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори”

номли фермер хўжаликлари худудида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Параризобионт.

Туркум	Rhabditida	Chitwood, 1933
Оила	Cephalobidae	Filipjev, 1934
Авлод	Heterocephalobus	(Brzeski, 1960) Brzeski, 1961
Тур	<i>H. elongatus</i>	(De Man, 1880) Andrassy, 1967

$$\begin{aligned} \text{♀} : L &= 655-705 \text{ мкм}; & a &= 25,7-27,1; & b &= 3,6-4,1; \\ c &= 13,1-14,6; & v &= 56,7-57,2\%. \end{aligned}$$

Бу турга мансуб 16 та урғочи фитонематода, 33 та личинкалар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари худудида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт.

Авлод	Cephalobus	Bastian, 1865
Тур	<i>C. persegnis</i>	Bastian, 1865

$$\begin{aligned} \text{♀} : L &= 875-1010 \text{ мкм}; & a &= 18,1-22,4; & b &= 3,6-4,1; \\ c &= 13,8-17,0; & V &= 64,4-70,4\%. \\ \text{♂} : L &= 660-1005 \text{ мкм}; & a &= 19,9-23,4; & b &= 4,2-4,8; & c &= 15,1-17,7. \end{aligned}$$

Бу турга мансуб 42 та урғочи, 10 та эркак фитонематода ва 123 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари худудида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт.

Авлод Eucephalobus Steiner, 1936
Тур *E. oxyuroides* (De Man, 1876) Steiner, 1936


♀: L = 645-732 мкм; a = 17,7-23,3; b = 3,2-3,8;
c = 7,6-9,3; V = 61,3-66,6%.

Бу турга мансуб 18 та урғочи фитонематода ва 58 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари худудида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт.

Авлод Acrobeloides (Cobb, 1924) Thorne, 1937
Тур *A. buetschli* (De Man, 1884) Steiner et Buhner, 1933

♀: L = 563-601 мкм; a = 14,8-16,1; b = 3,3-4,1;
c = 16,5-18,3; V = 63,1-65,3%.

Бу турга мансуб 9 та урғочи, 35 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари худудида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт.



Авлод *Chiloplacus* Thorne, 1937

Тур *Ch. obtusus* Baranovskaya et Haque, 1968

♀: $L = 610-630$ мкм; $a = 14,6-14,7$; $b = 4-4,3$;
 $c = 14,6-14,8$; $V = 59,0-59,2\%$.

Бу турга мансуб 3 та урғочи, 5 та личинка қайд этилган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Шабда анори”, “Зоиров Адҳамбек”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари ҳудудида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт.

Тур *Ch. propinquus* (De Man, 1921) Thorne, 1937

♀: $L = 688-1123$ мкм; $a = 19,1-23,2$; $b = 3,4-3,7$;
 $c = 14,3-16,6$; $V = 63,9-70,1\%$.

Бу турга кирувчи 6 та урғочи фитонематода, 24 та личинкалар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали” номли фермер хўжаликлари ҳудудида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт.



Тур *Ch. quintastratus* Sumenkova, 1968

♀: L = 834-1244 мкм; a = 23,1-25,2; b = 3,6-4,1;
c = 13,9-18,2; V = 65,1-67,3%.

Бу турга мансуб 11 та урғочи фитонематода, 51 та личинка аниқланган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари ҳудудида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт.

Тур *Ch. sclerovaginitus* Sumenkova et Razjivin, 1968

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 775-1214 \text{ мкм}; & a &= 20,7-26,5; & b &= 3,7-4,3; \\ c &= 12,1-18,2; & V &= 63,1-67,4\%. \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \text{♂: } L &= 980-1052 \text{ мкм}; & a &= 21,2-26,1; & b &= 3,4-4; \\ c &= 16,4-24,9. \end{aligned}$$

Бу турга мансуб 22 та урғочи, 7 та эркак фитонематода, 81 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Қизирик туманидаги “Истиклол”, “Шабада анори”, “Зоиров Адхамбек”, “Фазлиддин боғбон”, “Саидов Эргашали”, “Гилямбоб узумзори” номли фермер хўжаликлари худудида анор ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт.

Оила	<i>Panagrolaimidae</i> Thorne, 1937
Авлод	<i>Panagrolaimus</i> Fuchs, 1930
Тур	<i>P. rigidus</i> (Schneider, 1866) Thorne, 1937

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 790-1310 \text{ мкм}; & a &= 24,1-31,2; & b &= 3,8-4,9; \\ c &= 9,9-15,2; & V &= 57,1-64,5\%. \end{aligned}$$

